



МУСИҚА БУЮК АЛЛОМАЛАР НАЗНИДА

Матбуот котиби Очилова Соҳиба

“Шаҳрисабз”-давлат музей қўриқхонаси

Ўрта аср Марказий Осиё мусикашунослигининг мумтоз даври юқори поғонаси мусиқа илмининг ривожига энг аҳамиятли даврлардан бири саналган.

Марказий Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар Фаробий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллох Хоразмий X-XIII асрлар мусиқа илмининг ривожига мусикашунослик фанини мустақил фан сифатида шаклланишига асос солганлар.

Ўрта аср буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий-Шарқ мусиқа илмининг асосчиси. Фаробий илмий меросида мусиқий рисоалар муҳим ўрин тутди. Абу Наср Фаробийнинг мусиқа илмида оид китоблари ичида энг аҳамиятлилиги, ўз даврининг буюк мусиқий асари. “Катта мусиқа китоби” дир. Мазкур китоб Абу Аббос Халифалиги даврида бир муддат вазир бўлган Абу Жаъфар Муҳаммад бин Курхий (Куржий) га бағишланган. Фаробийнинг “Катта мусиқа китоби”да Шарқ мусикачиларидан тўққиз кишининг исми –шарифи келтирилган.

1. Алқамал ибн Аббад (VI-аср)- Жоҳилия даври араб шоири ва мусикачиси. ўша даврда яратилган машҳур шеърини тўплам “Му’аллақбат” нинг муаллифларидан бири.

2. Жамила ибн Абдулваҳоб (678-742) қадим араб ашулачилиги устунларидан.

3. Маъбад номи билан танилган зотнинг тўлиқ исм шарифи Абу Аббад бин Ваҳаб Мавла бини Қутн Маъбад ал-Мудиний. У Мадина мусиқа мактабининг йирик намоёндаларидандир.

4. Истеъдодли удчи, ашулачи, бастакор ва шоир Ибн Сурайжнинг тўлиқ исми шарифи –Абу Яҳё Убайдулла ибн Сурайж ал-Маккий.

5. Исҳоқ Мавсий атоқли ашулачи, чолғуси, мусиқа назариётчиси, шоир, адабиётшунос, аббосийлар саройи мулозимларидан бўлган.

6. Сосонийлар даври афсонавий мусикачилиги Борбад Марвазий (VI-аср) бўлган. Манбаларда Борбад ижоросидаги “Пайкоргурд” деб аталмиш айтим мусикаси “Сабздарсабз” номли чолғу мусиқаси тилга олинади ва унинг ижрочилик маҳорати таърифланади.

7. Муҳариқ ал-Муғаний (652-715) Аббосийлар олтин даврининг буюк ашулачиси, Иброҳим Мавсимийнинг шогирди. Фаробий Муҳариқни ҳам истеъдодли бастакор ва иқтидорли ашулачилар сафида санаб ўтади.

8. Бин Ахвас ҳам Фаробий даврида яшаган мусиқа чолғучилари устаси бўлган.

9. Ўз даврининг машҳур ашулачиси ва созандачиси бўлган Мансур Залзал калта дастали удни Залзал кашф этиб, ясаб ундаги пардалар ўрнини белгилади. Фаробийнинг мусиқа илмида оид асарларида хусусан, “Катта мусиқа китоби” дан ўрта асрлар Шарқ мусиқа терминлари тизими шаклланишида асос қўйилди. Уни жиддий ўрганиш ҳозирги замон миллий ўзбек мусикасининг устувор асоси - мақом ва Шарқ мусиқасига доир муаммоларини тўғри хал қилиш учун ҳам қимматли манбаадир.



Аммо X-XI асрларда оид Шарқ муסיқашуностлиги бўйича талайгина ёзма ёдгорликлар, хусусан буюк файласуф ва муסיқа алломаси Абу Наср Форобийнинг муסיқашуностликка оид асарлари, жумладан, “Катта муסיқа китоби” унинг муסיқа назарияси етарли, кенг камровда ўрганилмаган, асар тўлалигича таржима қилинмаган ва у долзарб вазифадир.

Муסיқашуностликка Абу Али ибн Сино Абу Наср Форобийдан кейин Шарқ муסיқа илмидан янги давр очган буюк муסיқашуност алломадир. Ибн Синонинг бизгача етиб келган муסיқага оид энг катта ва тўлиқ илмий қомусий асари “Шифор китоби” нинг муסיқага бағишланган бўлими “Муסיқа илми тўплами”.

Бу асар Ибн Синонинг муסיқага оид асарлари ичида хар жиҳатдан тўласидир. “Шифо” –Ибн Синонинг энг буюк қомусий асари. У 4 қисмга бўлинган. “Шифо” даги муסיқага бағишланган бобни Ибн сино “Муסיқа илми тўплами” деб атади. “Муסיқа илми тўплами” асарининг мундарижаси танишишни ўзиёқ у муסיқашуностликка оид барча масалаларни қамраб олганини кўрсатади. Унда ибн Сино овоз, муסיқий овоз-нағманинг ҳосил бўлишидан то, муסיқий асарнинг яратилишигача, сибизгадан тортиб уд муסיқва созигача, муסיқа сўзи тарифидан то муסיқанинг нафсга таъсиригача бўлган масалалар ҳақида баҳс боради.

Абу Мансур ибн Зайла ибн Синонинг маслакдошларидан, издошларидан ва яқин шогирдларидан бири бўлган. Абу Мансур ибн Зайланинг илмий салоҳияти, ўрни ўзгача. Унинг устози ибн Сино билан қилган илмий баҳслари натижасида “Мубоҳасот” асари пайдо бўлди. Ибн Зайла муסיқа илмидаги хизматлари бўйича Форобий ва ибн Синога тенглаштиради.

1964-йил ибн Зайланинг “Муסיқага оид тўлиқ китоб” ининг қўлёзма матни борлиги, у Хиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасидаги 3094 жилд ичида, бошқа муסיқий рисоалар билан бирга сақланиши маълум бўлди. Абу Мансур ибн Зайланинг “Муסיқага оид тўлиқ китоб”ининг қўл ёзма матни тўлиқ топилгани ҳақидаги илк хабар 1940 йил эълон қилинган. Ибн Зайла Юнон ва қадимий римликлар-муסיқий назарий меросига ижодий ёндошди, Форобий ва ибн Синонинг Шарқ муסיқа илмидаги ютуқларини янги давр талаблари асосида ривожлантирди.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий номи билан машҳур бўлган алломанинг тўлиқ исми шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал – Котиб ал-Хоразмий. Унинг маълум ва бизгача етиб келган ягона асари-“Илмлар калитлари” китобидир. “Илмлар калитлари” асари икки қисмга – мақолага бўлинган, бу икки қисм (мақола) таркибида 90 фаслни бирлаштирувчи 15 боб бор. Муסיқага бағишланган боб 3 фаслдан иборат. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Илмлар калитлари” асарининг муסיқага оид бобини тадқиқ этиш ҳозирги замон миллий ўзбек муסיқасининг баъзи муаммоларини тўғри хал қилиш учун ҳам қимматли манбадир.

Ўрта аср Марказий Осиё муסיқашунослигининг мумтоз даври юқори поғонаси муаллифлари ва манбалари хусусида хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Насир Форобийнинг “Катта муסיқа китоби”, Абу Али ибн Синонинг “Муסיқа илми тўплами”, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Илмлар калитлари” қомусий асарининг муסיқа илмига бағишланган боби “Муסיқа ҳақида”гиси ва Абу Мансур ибн Зайланинг



“мусиқага оид тўлиқ китоб” ида мусиқа илмининг назарий асослари, ритм, шакл, жанр, муסיқий термин низоми, назарий-мантиқий жихатдан 84 нағмалар жами-лад тизими ва бошқа назарий масалалар ишлаб чиқилди.

Ўрта аср Марказий Осиё мусиқашуностлигининг мумтоз даври юқори поғонаси муалифлари ва манбалари мустақил мусиқашунослик фани вужудга келишига асос яратдилар.